

35 Ягона Ватан,
ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!


Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 20 (1588)

2026-YIL 22-MAY, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat



ИБРАТ МАКТАБИ

ёхуд “2025: Юрт қайғусида 365 кун” китоби тақдимотидан кейинги қайдлар

Бизнинг бағрикенг, фидойи ва меҳнаткаш халқимиз инсон қадри улуғланадиган фаровон юрда яшашга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Менинг асосий мақсадим ҳам тинчлик ва тараққиёт доимо барқарор бўлган, одамлари бахтиёр ҳаёт кечирадиган, дунёда ўз ўрни ва сўзига эга бўлган Янги Ўзбекистон барпо этишдан иборатдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Пленум

ХАЛҚ ОВОЗИ — АДОЛАТ ОВОЗИДИР

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг XVIII Пленуми бўлиб ўтди

Унда партия фаолияти атрофлича сарҳисоб қилиниб, ташкилий-партиявий, мафкуравий, парламент ҳамда жамоатчилик билан ишлаш йўналишларида амалга оширилган ишлар таҳлилий ва танқидий руҳда кўриб чиқилди.

Шунингдек, сайловчилар

ишончини оқлаш, партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, халқ манфаатларини изчил ҳимоя қилиш ҳамда ҳудудларда партия лойиҳалари самарадорлигини янада оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Пленум ишида партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари раислари, «Замондош аёллар» клуби республика Кенгаши, «Ёш адолатчилар» ҳаракати республика Кенгаши фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова очиб, мамлакатимизда сўнгги йилларда давлат бошқарувини такомиллаштириш, инсон қад-

рини улуғлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ушбу жараёнда партиянинг сиёсий майдондаги ўрни ва масъулияти тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

– Ҳисобот даврида партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, парламент ва депутатлик назоратини изчил амалга оширди, қатор қонунчилик ташаббусларини илгарисурди, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб ижтимоий

лоийҳаларни ҳаётга татбиқ этди. Пленумимиз ана шу ишларни атрофлича сарҳисоб қилиш, шу билан бирга, келгусидаги устувор вазифаларимизни белгилаб оlishда муҳим босқич ҳисобланади, – деди партия раҳбари.

Кун тартибига мувофиқ, пленумда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг ҳисоботи, шунингдек, ташкилий, мафкуравий, ахборот-коммуникация ва жамоатчилик билан ишлаш йўналишларига оид муҳим масалалар кўриб чиқилди.



Туркистон Ренессанси:

геосиёсий интеграция ва
рақамли келажак сари



Биринчидан, Юртбошимиз сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш мавзусини улуғ аждодларимиз – ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Беруний ва Мирзо Улуғбекларнинг илмий мероси билан узвий боғланганлари бизни тўлқинлантириб юборди. Бу – бизнинг рақамли келажакимиз бегона эмас, балки ўз тарихий илдизларимизнинг мантиқий давоми эканига берилган энг олий таърифдир.

Иккинчидан, “Рақамли туркий коридор” – янги иқтисодий воқелик. Президентимиз тақлиф этган ушбу концепция минтақамизнинг маълумотлар алмашинуви борасидаги суверенитетини мустаҳкамлайди.



НАМАНГА яна гулларга буржанмоқда

Май ойининг сўнгги кунлари яқинлашар экан, Наманган яна бир бор нафосат, гўзаллик ва бетақрор тароват масканига айланмоқда. Бу йилги 65-халқаро гуллар фестивали юқори савияда, кенг кўламли ва улкан орзулар билан ўтказилиши режалаштирилган.



КИТОБХОН ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

– Мустаҳкам оила яратилиши учун биринчи навбатда ёшлар оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлиши керак, – деди “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов. – Бунинг учун ҳам тиббий, ҳам ҳуқуқий маданият зарур. Бундай маданиятга эса китоб ўқиш орқали эришамиз.



ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан бегараз донорлик акциясига барча кўнгилдиллар тақлиф этилади.

1–3 июнь
09:00 – 16:00

Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий бўлиналари

Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани,
Шога Руставели кўчаси, 138-ўй
Муҳал: Ҳосийот меҳмонхонаси қаршисида

Донорлик учун эслатма:
• 18–60 ёш, паспорт билан келиш
• 1 кун олдин аччиқ, шўр, спиртли ва газли ичимликлар истеъмол қилмаслик
• Эрталаб тузун, ёғ ва сут истеъмол қилмаслик
• Сўнгги 6 ойда чет элдан бўлмаган, сариқ касалга чалинмаган бўлиши керак

Кўшимча маълумот учун:
www.adolat.uz
+998 99 421-93-18
+998 99 051 01 80



Донорлик қилинг, умид улашинг!

БАРҚАРОР ШАҲАРЛАР:

муносиб уй-жой ва қулай
муҳит – ижтимоий адолатнинг
амалий ифодаси



Муносибат

Бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Урбанизация жараёнлари – инсоният тараққиётининг табиий босқичи бўлиш баробарида, давлатлар олдида янги ва мураккаб вазифаларни кўндаланг қўймоқда.

Аҳоли сонининг ўсиши, шаҳарларга кўчиш суръатларининг тезлашуви, уй-жойга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, иқлим ўзгариши ва миграция тўлқинлари шаҳарларни оддий яшаш манзили эмас, балки ижтимоий барқарорлик, иқтисодий имконият ва экологик хавфсизликнинг ҳал қилувчи маконига айлантarmoқда.

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг Боқудаги Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси доирасида ўтказилган Етақчилар саммитида сўзлаган нутқи ҳамда илгари сурган ташаббуслари Янги Ўзбекистоннинг урбанизация масаласига инсон қадрини, ижтимоий адолат ва келажақ авлодлар олдидаги масъулият асосида ёндашаётганини яна бир бор намоён этди.

Айниқса, Президентимизнинг “барча учун уй-жой” ғоясига ургу бергани партиямиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, муносиб уй-жой – шунчаки бошпана эмас. Бу инсон саломатлиги, фарзандлар таълими, оила барқарорлиги, меҳнат унумдорлиги, шунингдек, шахснинг жамиятда ўзини тўлақонли аъзо сифатида ҳис этиши билан бевосита боғлиқ ижтимоий ҳуқуқдир.

Президентимиз нутқида келтирилган рақамлар ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг қўламини яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги ўн йилда мамлакатимизда қурилаётган уй-жойлар сонининг бир неча баробар ошгани, арзон уй-жой дастурларига сезиларли маблағлар йўналтирилаётгани, 100 мингга яқин хонадонга ҳуқуқий ҳужжатлар расмийлаштириб берилгани – буларнинг барчаси одамларнинг йиллар давомида тўпланиб келган ҳаётини муаммоларига амалий ечим топилаётганидан далолат беради.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш лозим: урбанизация фақат пойтахт ёки йирик шаҳарларнинг ривожини билан чекланмаслиги керак. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “мутаносиб урбанизация” тамойилини кенг жорий этиш ташаббуси айнан шу жиҳатдан алоҳида эътиборга эга. Бу – кичик ва ўрта шаҳарларни ҳам замонавий инфратузилма, иш ўринлари, сифатли таълим ва тиббиёт хизматлари, қулай транспорт ҳамда бий маданий муҳит билан ўлчанади. Шу маънода, “Янги Ўзбекистон” массивларининг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётгани – ҳудудий адолатни таъминлаш йўлидаги изчил ва амалий қадамдир.

Боқуда илгари сурилган “Ақли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни ташкил этиш ташаббуси ҳам бутунги давр талабларига тўла мос келади. Рақамли технологиялар шаҳар бошқарувини шаффоф, тезкор ва аҳоли учун қулай қилишга, фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг экологик барқарор шаҳарлар масаласига алоҳида эътибор қаратгани ҳам ниҳоятда муҳимдир. “Яшил макон”, “Тоза ҳаво” дастурлари ҳамда шаҳарларда яшиллик даражасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар бутунги ва келажақ авлодлар саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Шаҳарларимизда барпо этилаётган ҳар бир хиёбон, қурилаётган ҳар бир пиёдалар йўли ва соф ҳаво маконлари – инсон саломатлигига киритилаётган инвестициядир.

Шу маънода, БМТ-Ҳабитатнинг “Яшил шаҳар” халқаро мукофотини таъсис этиш ташаббуси нафақат рамзий, балки чуқур амалий аҳамиятга эгадир. Ушбу ташаббус шаҳарларни экологик масъулият, яшил инфратузилма, энергия тежамкорлиги, чиқиндиларни бошқариш ва аҳоли саломатлиги мезонлари асосида соғлом рақобатга ундайди ҳамда мамлакатлар ва шаҳарлар ўртасидаги илгор таъриба алмашинувини янги поғонага кўтаради.

Бутунжаҳон урбанизация форумининг 15-сессиясининг 2030 йилда Янги Тошкент шаҳрида ўтказилиши ҳамда унинг бош мавзусини “Шаҳарларнинг барқарор ривожланишида маҳалла институтининг ўрни” деб белгилаш тақлифи мамлакатимизнинг миллий бошқарув таърибасини халқаро минбарга олиб чиқиш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Зотан, маҳалла – халқимиз учун шунчаки маъмурий тузилма эмас, балки ижтимоий ҳамжиҳатлик, ўзаро қўмақ, тарбия, масъулият ва жамоатчилик назорати мактабидир. Унинг асрлар давомида сақланиб келаётган қадриятлари бутунги шаҳарсозлик сиёсатига инсонийлик руҳини сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Боқуда илгари сурилган ташаббуслар Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширади ҳамда мамлакатимизда инсон қадрига асосланган, замонавий ва адолатли шаҳарсозлик сиёсатига янги суръат ва янги мазмун бағишлайди.

Jarayon



ИБРАТ МАҚТАБИ

ёхуд “2025: Юрт қайғусида 365 кун” китоби тақдимотидан кейинги қайдлар

Журналист бўлганимиз учун бўлса керак, янги китоблар тақдимотига тез-тез таклиф этиб туришади. Бирига вақт топиб борсак, бирига бора олмаймиз. Айрим китоб тақдимотларида маърузачиларни маза қилиб эшитсак, айримларида қоғоздан бош кўтармай “маъруза ўқийдиган” валломатларни “тинглаб”, энса қотириб ўтиришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам уларнинг баъзилари ҳақида қоғоз қораласак, баъзиларини шунчаки “унутиб” қўя қоламиз. Лекин давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг бир йиллик сермахсул фаолияти акс этган “2025: Юрт қайғусида 365 кун” китобининг тақдимоти бутунлай бошқача руҳда, янги ҳақиқат, расмийтачилардан бутунлай холи тарзда ўтдики, шу боис ушбу тадбир ҳақида батафсилроқ ёзишга қарор қилдик.

Ислом ҲАМРОЕВ,
журналист

Анжуманда юртимизнинг атоқли ижодкор зиёлилари, академик олимлар, устоз журналистлар, талаба ёшлар, ёзувчи-шоирлар ва етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Тақдимот Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида бўлиб ўтди.

Ўқорида таъкидлаб ўтганимиздек, китоб тақдимотида узундан-узук зерикарли маърузалар қилинмади. Аксинча, тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон журналистлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шухрат Ориф, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёров, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, устоз журналист Аҳмадjon Мелибоев, Кинематография агентлиги бош директори Шухрат Ризаев, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шухрат Сирожидиновлар китоб мутлоқасидан олган завқ-шавқ ва ибрат ҳақида халқона тилда, содда ва аниқ мисоллар билан сўзлаб, йиғилганларга ушбу нашр нимаси билан бошқа китобларга ўхшамаслигини изоҳлаб беришди. Шунингдек, сўзга чиққанлар давлат раҳбарининг бир йиллик фаолияти давомида амалга оширилган улкан ишлар, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар орта қайтамаслиги, улар ҳар бир юрдошимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, Ватанимиз жаҳонда янги Ўзбекистон сифатида тобора кўпроқ шухрат қозониб бораётганига алоҳида ургу беришди.

– Биз бугунги ҳаётимизда ҳар куни, ҳар дақиқада содир бўлаётган оламшумул ўзгаришларга ўрганиб қолдик. Лекин мана шу ўзгаришлар, улкан ислохотлар, қўлга киритилаётган янгидан-янги ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг юртга, халқимизга фидойилиги, матонатини, заҳматли меҳнатлари, катта ҳаётий таъриба ва ташаббуслари пойдевор бўлаётганига ҳамиша ҳам эътибор беравермаймиз, – деди журналист Салим Дониёров ўз сўзида. – Бугун тақдимоти ўтказилаётган янги – “2025: Юрт қайғусида 365 кун” китоби бизни Президентимизнинг бир йил давомида ҳар куни нима ишлар билан банд бўлгани билан таништиради. Одатда бундай китобларни солнома, деб аташади. Лекин мана ушбу китобни солнома ёки йилнома деб эмас, балки куннома, деб атаган бўлардим. Чунки

сий концепцияси мамлакат тараққиётини давлат ва жамият ҳаётидаги реал ўзгаришлар, стратегик қарорлар ва инсон қадрини устувор бўлган сиёсий ёндашувлар асосида очиб беришга қаратилгани билан ҳам таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда янги асарнинг яна бир афзаллигига эътибор қаратсак. Китобни варақлаб бошласангиз, унинг саҳифаларида иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестицион фаоллик, экспорт ҳажмининг ортиши, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, “Яшил иқтисодиёт” сиёсатини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда янги Ўзбекистоннинг глобал майдондаги нуфузи ортиб бораётгани ҳақидаги муҳим факт ва далилларга дуч келасиз. Энг муҳими, бу факт ва далиллар китоб саҳифаларида ҳеч бир изоҳсиз, ортиқча шарҳларсиз, кетма-кет, яъни хронологик тарзда, ойма-ой, кунма-кун қайд этилган.



Ўқорида алоҳида қайд этганимиздек, “2025: Юрт қайғусида

365 кун” китоби Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил давомидаги серқирра фаолияти, давлат бошқаруви, халқаро дипломатия, иқтисодий ислохотлар, экологик барқарорлик, ижтимоий ҳимоя, илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида амалга оширган ишларини ҳужжатли манбалар, таҳлилий шарҳлар ва фотолар асосида жамагани билан аҳамиятлидир.

– “2025: Юрт қайғусида 365 кун” китобини мутлоқ қила туриб, давлатимиз раҳбарининг иш вақтлари нақадар тиғиз эканлигига яна бир марта амин бўлдим. Тасаввур қилинг, бир йилнинг 365 кунда дам олиш кунларисиз ишлаб бўладими?! Булар экан! Мана, юрт отаси худди шундай ишлайпти. Дам олиш кунларисиз, таътиллрсиз.

Янги китоб саҳифаларидан ўрин олган факт ва далиллар сиз-у бизга Ватанга фидойилиқдан, юртни қандай яхши кўришдан, ҳақиқий инсон ўзига оллоҳ томонидан ато этилган умрининг ҳар дақиқасини халқи фаровонлиги учун бахшида эта олиши мумкинлигини сабоқ беради. Демак, ўзини шу юртга дахлдор деб билган ҳар бир инсон Ватанга, давлатига, халқига, миллатига қандай хизмат қилишни Президентимиздан ўрганишимиз керак...

Мана, бизга тақдимотида қатнашиш насиб этган китоб – “2025: Юрт қайғусида 365 кун” асари нимаси билан бошқа китоблардан ажралиб туради!

Ушбу китоб, шубҳасиз, келажақда сиз-у бизга ўрнат, ибрат ва Ватанга фидойилик мактаби вазифасини ўташи билан ҳам ўта қадрли манба бўлиб қолади.

Хулоса ўрнида янги асарнинг аҳамияти ҳақида яна бир-икки сўз айтгимиз келди. Ушбу китоб 2025 йил давомида мамлакатимизда юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни муайян хронологик кетма-кетлик асосида ёритилгани ҳақида айтиб ўтдик. Шу билан бирга, янги асар оёлар кесимида тартибланган бўлиб, ҳар бир ой аввалида давлат раҳбари фаолиятининг асосий йўналишлари жамланган. Шунингдек, муҳим воқеалар, ташрифлар, учрашувлар, видеоселектор йиғилишлари, халқаро музокаралар, имзоланган ҳужжатлар, ташаббус ва лойиҳалар алоҳида бўлимлар кесимида батафсил шарҳланган.

Биз юқорида алоҳида эътибор қаратган янги таъриб, китобхонга йил давомида амалга оширилган ислохотлар динамикасини изчил кузатиш, давлат бошқарувидаги устувор йўналишлар қандай шаклангани ва уларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини яхлит манзарада кузатиш имконини яратгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Шунингдек, китоб саҳифаларидан жой олган статистик маълумотлар, таҳлилий шарҳлар, иқтибослар, халқаро муносибатларга оид фактлар, фотолар ҳамда QR-кодлар орқали тақдим этилган қўшимча маълумотлар асарнинг ўқувчи учун қимматини таъминлаган, дейиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, “2025: Юрт қайғусида 365 кун” китоби ўзида жамаган улкан маълумотлар базаси билан, давлат раҳбарининг эл-юрт манфаати йўлидаги кеча-ю кундуз тиним билмасдан қилаётган заҳматли меҳнати иншоси билан ҳар биримизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилишига шакшубҳа йўқ.

Янги китоб муборак бўлсин, азизлар!

ХАЛҚ ОВОЗИ — АДОЛАТ ОВОЗИДИР

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши XVIII Пленуми бўлиб ўтди

1 Дастлаб партия Сиёсий Кенгаши раисининг сиёсий-мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов ҳисобот берди. Маърузада партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган гоя ва мақсадларни аҳолига етказиш, жойларда фуқаролар билан очиқ мулоқотни кучайтириш ҳамда партия ташаббусларининг ижтимоий таъсирчанлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида партия Сайловолди дастури доирасида ўндан ортиқ лойиҳа асосида республика миқёсида **29 минг 371 та** мафкуравий тадбир ўтказилиб, уларда **564 минг 208 нафар** фуқаро қамраб олинди. Биргина 2026 йилнинг биринчи чорагида **5 минг 964 та** тадбир ташкил этилиб, **140 минг 344 нафар** иштирокчи бевосита жалб қилинди.

Партия томонидан коррупцияга қарши курашиш, одам савдосининг олдини олиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш каби йўналишларда тизимли тарғибот ишлари олиб борилди. Хусусан, «**Коррупцияга қарши курашиш ойлари**» эълон қилиниб, партия Ижроия Қўмитаси ва фракциясининг қўшма йиғилишида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ойлик доирасида **9 минг 262 та** тарғибот тадбири ташкил этилди.

Партия Сиёсий Кенгаши раисининг ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар бўйича ўринбосари Озода Паррибаева ўз маърузасида ҳисобот даврида партия сафининг кенгайиб бораётгани, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти ва ҳудудий Кенгашлар масъулияти масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида партия аъзолари сони **1 миллион 320 минг 139 нафарга** етди. Бир йил давомида аъзолар сони **220 минг 715 нафарга**, яъни **17 фоизга** ошди. 2026 йилнинг биринчи чораги ҳолатига кўра, партия аъзолари сони **1 миллион 333 минг**



«**Ёш адолатчилар**» қаноти томонидан **5 минг 430 та** тадбир ўтказилиб, **232 минг 191 нафар** ёш қамраб олинди. «**Бор меҳримиз сенга, болажон!**» бегараз донорлик акциясида **18 минг 644 нафар** кўнгилли иштирок этди. Акция давомида **10 минг 976 нафар** донор қатнашиб, **5 тоннадан** зиёд донорлик қони йиғилди.

«**Ёшлар саломатлиги — партия эътиборида**» лойиҳаси доирасида **17 минг 376 та** мактабга таълим муассасасида тиббий кўриқлар ташкил этилди. Жами **1 миллион 364 минг 960 нафар** бола ясиёвклик ва сколиоз хасталиқларини аниқлаш бўйича кўриқдан ўтказилди. Натижада **18 минг 243 нафар** болада ясиёвклик, **3 минг 607 нафар** эса сколиознинг дастлабки аломатлари кузатилди. Бу маълумотлар болалар саломатлиги масаласида профилактика ишлари янада кучайтириш зарурлигини кўрсатди.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари томонидан масъулларга **2 минг 661 та** депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг **1 минг 751 таси**, яъни **65,8 фоизи** ижобий ҳал этилди. Депутатлар сайловчилар билан **3 минг 610 марта** учрашув ўтказиб, **253 минг**

сўратлари республика ўртача кўрсаткичидан ортада қолаётгани, аъзоликка қабул қилиш борасида Тошкент вилояти Кенгаши кўрсаткичи нисбатан пастлиги, «Бор меҳримиз сенга, болажон!» бегараз донорлик акциясини ташкил этишда Андихон, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари етарли фаоллик кўрсатмагани танқидий руҳда қайд этилди. Бу эса, аввало, ҳудудий ташкилотлар ишини жонлангириш, ташаббускорлигини ошириш ва ҳар бир партия фаолининг масъулиятини кучайтиришга жиддий киришилаётганидан далolatдир.

Партия Сиёсий Кенгаши раисининг ахборот ва ижтимоий коммуникациялар бўйича ўринбосари Исрол Ҳамроев матбуот хизмати, партия нашри ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот сиёсати самарадорлиги ҳақида маъруза қилиб, Матбуот хизмати фаолияти ҳар жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини қайд этди. Партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, сунъий интеллект, киберхавфсизлик, ижтимоий тармоқлардаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ахборот маданияти ва жамоатчиликни ўйлантираётган долзарб масалалар

қамров 1 миллион 845 мингдан зиёд кишига етди.

Хусусий тиббиёт соҳасидаги муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқишда фракция аъзоси, депутат **Гулнора Абдувоҳидованин** Соғлиқни сақлаш вазирга йўллаган депутатлик сўрови кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Ушбу йўналишдаги расмий материаллар жами 10 миллионга яқин кўрилди. Кейинчалик «**Хусусий клиникалардаги ноҳуш ҳолатларга қачон чек қўйлади?**» мавзусидаги мунозара клуби 80 дан ортиқ сайтда ёритилиб, кўришлар сони 8 миллион 670 минг 900 тага, изоҳлар сони 817 минг 583 тага етди.

Айниқса, партия Сиёсий Кенгаши раиси **Робохон Махмудованин** партия веб-сайти ва «Adolat» газетаси саҳифаларида эълон қилинган «**Эркатой хай-**



довчиларни тийиб қўйиш вақти келмадимиз?!» сарлавҳали таҳлилий мақола ҳамда унинг мантйий давоми сифатида чоп этилган «**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш барчамизнинг бурчимиз**» мақолалари ҳам кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди. Матбуот хизмати мамлакатимиз фуқаролари, балки хориждаги ватандошларимиз томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланди. Натижада уларнинг умумий қамрови қарийб 20 миллион кишига етди.

Айнан мана шундай оммавий резонанс ҳамда жамоатчилик томонидан билдирилган кескин талаблар натижа-сида партия Матбуот хизмати томонидан мавзунини янада чуқурроқ ва кенгроқ ёритиш мақсадида айни мавзуда кетма-кет икки марта Мунозара клуби ташкил этилди.

«**Бугун йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмаслик неча фоиз автоха-**

лари кескин чиқишлар билан халқимиз олқишига сазовор бўлиб, жойлардаги муаммоларни ечишга ҳисса қўшишма-япти, деган саволларга жавоб топил- вақти келди, — дея ҳудудий раҳбарлар олдида жойлардаги муаммолар юзасидан дадил ва принципиал позиция билдириш вазифаси қўйилди маърузачи томонидан.

Кун тартибидagi навбатдаги масала юзасидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбарининг ўринбосари Мухаммадхон Валиев** маъруза қилди. Унда фракциянинг партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни қонун ижодкорлиги ва парламент назорати орқали ҳаётга таъбиқ этиш борасидаги фаолияти таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган даврда фракция аъзолари суд-ҳуқуқ, коррупцияга қарши курашиш, таълим ва тиббиёт соҳаларига оид қонунчиликни та-

ўтган даврда **2 та парламент эши-ўтми, 2 та «Хукумат соати»** ўтказилди, **1 та парламент сўрови** йўлланди. Жумладан, Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси **З.Маҳмадованин**, адлия вазيري **А.Ташкулованин** ахборотлари эшитилди. Спорт вазирини **А.Икрамов** эса соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш юзасидан депутатлар саволларига жавоб берди.

Айниқса, фракциянинг 2026 йил учун давлат бюджети муҳокамасидаги фаол иштироки муҳим аҳамият касб этди. «**Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**» учун дастлаб режалаштирилган

30 миллиард сўм маблағ мавжуд эҳтиёжни қоплашга етарли эмаслиги асосида далилланиб, натижада 2026 йилда мазкур фонд учун ажратилган маблағ 7,9 миллиард 387 миллион сўм этиб белгиланди.

Шунингдек, Хоразм вилояти перинатал марказига 300 миллион сўмлик офталмологик ускунаси ҳамда реанимация бўлими учун қўшимча 30 та койка ажратиши тасдиқланди. Фракция ташаббуси билан Тошкент шаҳри, Фарғона ва Навоий вилоятларида хоспислар ташкил этиш учун 50 миллиард сўм йўналтирилди. Қонимех тумани аҳолиси учун қўшимча тез ёрдам автомобили ажратилиш ташаббуси ҳам қўллаб-қувватланди.

Ҳисобот даврида давлат органлари мансабдор шахсларига жами 30 та депутатлик сўрови юборилди. Фракция аъзолари томонидан 18 та тадбир, жумладан, 4 та семинар, 8 та давра суҳбати, 4 та конференция ва 2 та брифинг ўтказилди.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот ҳам тизимли йўлга қўйилди. Фракция аъзолари 11 та ҳудудда ўрганишлар ўтказиб, 4 минг нафардан ортиқ фуқаро ва тадбиркор билан учрашди. Ҳар ой сайлов округларида 2 минг 668 та учрашув ташкил этилиб, 38 минг 478 нафар аҳоли, жумладан, 3 минг 218 нафар тадбиркорлик субъекти вакиллари қамраб олинди. 1 минг 234 та хонадон, 755 та тадбиркорлик субъекти, 1 минг 274 та ижтимоий соҳа объекти ва 819 та маҳалла фуқаролар йиғини ўрганилди.

«**Камбағалликдан фаровонлик сари**» дастури доирасида Оқўрғон, Янгийўл, Чиноз, Паркент ва Ёғдудовон туманларида парламент назорати тартибида ўрганишлар ўтказилиб, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиқлари ҳамда АТБ «Агробанк»га аниқ тақлифлар киритилди.

Сиёсий Кенгаш раиси **Робохон Махмудова** Пленум якунида партия фаолиятини «**Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!**» Сайловолди дастури, «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш» йилида белгиланган устувор йўналишлар ҳамда «**Ўзбекистон — 2030**» стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бир сўз билан айтганда, **Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг XVIII Пленуми партия фаолиятининг барча асосий йўналишлари бўйича ҳолис, очиқ ва танқидий таҳлил майдонига айланди.** Унда эришилган натижалар билан бирга, мавжуд камчиликлар ҳам рўйроқ айтилди, ҳудудий ташкилотлар ва масъуллар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Энг муҳими, Пленум партиянинг кейинги фаолиятида ташаббускорлик, очиқлик, ҳисобдорлик ва халқ манфаатларига садоқат асосий мезон бўлиб қолишини яна бир бор намоён этди. Зеро, «**Адолат**» партияси учун халқ овозини эшитиш, унинг дарду ташвишларига ҳуқуқий ва сиёсий ечим излаш, жамиятда адолат тамойилларини қарор топтириш устувор вазифадир.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати



352 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг **53,9 фоизи** — хотин-қизлар, **39,1 фоизи** эса ёшлардир. Бошланғич партия ташкилотлари сони **9 минг 81 тага** етди.


Хотин-қизлар йўналишида «**Бир адолатчи — юз аёлга ҳимоячи**» лойиҳаси доирасида **1 минг 371 марта** давра суҳбати ташкил этилди, **20 минг 450 нафар** хотин-қиз билан мулоқот қилинди. Улардан 510 нафарига турли йўналишларда амалий ёрдам кўрсатилди. Зўравонликка учраган 93 нафар аёлга «**Ҳимоя ордери**» расмийлаштириш бўйича ҳуқуқий маслаҳат орқали кўмак берилди. «**Биз зўравонликка қаршимиз!**» шiori остидаги акция доирасида ўтказилган тадбирларда қарийб 18 минг нафар иштирокчи қамраб олинди.

Аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам амалий натижалар салмоқли. «**Саратонни эрта аниқла — ҳаётингни сақла**» акцияси доирасида республика бўйича **500 та** тиббий кўрик ташкил этилди. Уларда **25 минг нафар** хотин-қиз иштирок этиб, **247 нафар** касалликнинг турли босқичлари аниқланди. Бу рақамлар партия лойиҳалари қoғoзда эмас, инсон ҳаёти ва саломатлиги билан боғлиқ реал натижаларга хизмат қилаётганини кўрсатмоқда.



161 нафар фуқаро билан яқна тартибда мулоқот қилди. Аҳолидан келиб тушган **4 минг 59 та** мурожаатнинг **3 минг 128 таси** ижобий ечим топди.

Шу билан бирга, Пленумда мавжуд камчиликлар ҳам очиқ айтилди. Бошланғич партия ташкилотларини ташкил этиш бўйича айрим ҳудудларда ўсиш



бўйича мунозара клублари, видеоподкастлар ҳамда таҳлилий-танқидий материаллар кенг аудитория эътиборига ҳавола этилди.

Партия Матбуот хизмати томонидан ўндан ортиқ мунозара клуби ва подкаст тайёрланди. Жумладан, «**Фармацевтика соҳасининг аҳоли саломатлигини таъминлашдаги роли: халққаро ва Ўзбекистон тажрибаси**» мавзусидаги мунозара клуби «**O'zbekiston 24**» ва «**O'zbekiston**» телеканалларида на-мoйиш этилиб, 50 дан ортиқ сайтда ёри-тилди. Мазкур материал бўйича 575 минг 683 та шарҳ билдирилиб, умумий

локатларга сабаб бўляпти?» мавзусидаги Мунозара клубини ҳам 90 дан ортиқ сайт ёритди. Telegram каналларида видеолар вирусдек тарқалди. Кўришлар — 3 миллион 450 мингдан зиёд, изоҳлар — 1 миллион 386 мингдан ошди.

Шунингдек, «**Йўл ҳалокатлари: инсон ҳаёт ва ўлим чорраҳасида**» мавзусидаги Мунозара клуби ҳам жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Кўрсатувнинг қамрови кутилганидан зиёд бўлди — жами кўриш ва ўқишлар сони 15 миллион 890 минг 600 маротаба, изоҳлар эса 2 миллион 183 минг 649 тага етди.

Ҳисобот даврида партия Матбуот

Сўз Пленум иштирокчиларига

**Содиқжон СОДИҚОВ,
Хоразм вилоят кенгаши раиси,
вилоят Кенгаши депутати:**



— Алоҳида эътироф этиб ўтишимиз жоиз, мазкур Пленум биз учун ўтган даврда эришган муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлаш ва орттирган тажрибамиз асосида янги марраларни белгилаб олиш учун жуда қулай имконият бўлди.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида партиямиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида вилоятимизда ҳам муайян самарали ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотларда ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтага назардан, партиямиз томонидан аҳолининг мазкур қатламни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Қувонарлиси, партиямиз сафидаги фаол хотин-қизлар давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилди. Хусусан, Урганч шаҳридаги тадбиркор, зул этиштирувчи ва депутат Муқаддас Атаева "Шухрат" медали билан, Хива туманидаги маҳалла фаоли ва "Аёллар қаноти" раиси Насиба Рўзметова "Дўстлик" ордени билан, "Шерзодбек шифо клиникаси" раҳбари, вилоят Кенгаши депутати Дилдора Исмоилова "Соғлом турмуш" медали билан тақдирланди. Шунингдек, ўтган даврда 5 нафар фаол хотин-қизларимиз ҳамда 4 нафар ёш адолатчиларимиз "Адолат" кўрак нишони билан мукофотланди. Бу, албатта, партиямиз сафидаги фидойи инсонларга берилган муносиб баҳоидир.

Албатта, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, хотин-қизлар ўртада онкологик касалликларнинг олдини олиш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. "Биргалликда саратонга қарши курашамиз!" акцияси доирасида Республика иттифодлаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали билан ҳамкорликда кенг қамровли тиббий кўриқлар ташкил этилди.

Тиббий кўриқлар давомида 45–60 ёшдаги аёллар мобил маммография, онкогинеколог, УЗИ, кардиолог ва бошқа мутахассислар кўригидан ўтказилди. Шунингдек, онконазорат хоналарининг фаолияти ҳам ўрганилди. Энг муҳими, мазкур акция қўллаб аёлларда касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олишга хизмат қилди. Бугунги кунда ҳам шаҳар ва туманларда бу ишлар изчил давом этмоқда.

Албатта, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, олдимизда муҳим вазифалар ҳам турибди. Айрим ҳудудларда бошланғич партия ташкилотлари фаолигини янада кучайтириш, аҳоли билан мулоқот самарадорлигини ошириш, муружаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва тарғибот ишларининг таъсирчанлигини кучайтириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Демак, биз бундан буён ҳам халқ манфаатлари, ижтимоий адолат, инсон қадр ва қонун устуворлиги тамойилларига таянган ҳолда фаолиятимизни изчил давом эттирамиз.

**Рустам ҲАМРОЕВ,
Сиёсий Кенгаши аъзоси,
Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:**



— Пленумда ўртага ташланган жиддий танқидий фикрлар ва олдимизга қўйилган янги талаблар, очиги, барчамизни чуқур мушоҳада қилишга, фаолиятимизга янги нозар билан қарашга мажбур қилди. Зеро, бугунги партия нуфузини фақатгина қозғоғдаги ҳисоботлар ёки ўтказилган тадбирлар сони билан белгилаб бўлмайдди. Сиёсий майдондаги ўрнимизни мустаҳкамлаш учун "биз мана бунча иш қилдик" деб мактанми эмас, балки "фаолиятимизни такомиллаштиришга ҳов бўлаётган қайси муаммоларни бартараф этдик?" деган саволга жавоб топиш шартлигини англадик.

Тўғри, Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан ўтган йил давомида Сайловолди дастур ижроси юзасидан 10 дан орტიқ йирик лойиҳалар доирасида анчагина ишлар ташкил этилди. Масалан, "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси йўналишида 95 та маҳалладаги хонадонларга кириб бордик. Кўтарилган муружаатларнинг 71 тасини жойида ҳал этдик. Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда "Ижтимоий ҳимоя ягона рестори"га кирган 98 нафар эҳтиёжманд фуқарога бепул юридик ёрдам кўрсатилиб, аризаларини судга чиқаришга кўмаклашдик.

Коррупцияга қарши курашиш ойлги доирасида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда 800 дан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказдик. Аммо Пленумда таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар бизни хотиржамликка берилишимиз учун асос эмас. Рақамлар аҳолининг реал ижтимоий ҳаётида, одамларнинг кайфиятида ўз аксини тўлиқ топмаётгани, демак, ишимизда самарадорлик паст. Масалан, "Сиёсий ўқувлар кун"и лойиҳасида 1500 дан орტიқ фуқарони қамраб олган бўлсак-да, уларнинг қанчаси партиямизнинг фаол тарғиботчисига айланди? Бандлик ярмаркалари, соғлиқни сақлашга оид акцияларимиздан сўнг қанча фуқаро реал ҳаётда муаммодан қутулди? Мана шу саволлар атрофида ишимизни тубдан қайта қўриб чиқишимиз керак.

Шу мақсадда, эндиликда асосий эътиборни "Адолат қабулхоналари"нинг маҳаллабай ишлаш тизимига қаратамиз. Партиямиз лойиҳалари шунчаки режа тўлдирish учун эмас, Сурхондарёнинг энг чекка, тоғли ва чегара ҳудудларидаги аҳоли ҳаётида ижобий натижага хизмат қилиши шарт. Шўрчи тумани кенгаши каби жонкуяр, натижага интилиб ишлайдиган кўли бўғинларимиз тажрибасини қолган туманларга ҳам ёйишимиз лозим. Биз халқ ичига чуқурроқ кириб бориш, дастурий мақсадларимизни ҳаётий натижаларга айлантириш устида ишларни янада такомиллаштирамиз.

**Шаҳноза ҒАНИЕВА,
Фарғона вилоят кенгаши раиси,
вилоят Кенгаши депутати:**



— Медиамайдондаги фаолиятимиз, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш тизимини жиддий ва атрофлича муҳокама қилдик. Хулосам шу бўлдики, бугун сиёсий партиянинг кучи ва нуфузи фақатгина ўтказилган тадбирлар сони ёки ижтимоий тармоқларга

жойлаштирилган қуруқ постлар билан ўлчанмайди. Биз анча вақт давомида рақамлар ортидан қувғанмиз, контентимиз эса қўпича мактанмиш ва расмиятчиликдан нарига ўтмаганини тўғри англашимиз керак. Агар ОАВдаги чиқишларимиз оддий одамларнинг ҳаётий муаммоларини кўтармас, жамиятдаги оғриқли нуқталарга қўйди-лийдиллик билан муносабат билдирмас, унда минглаб постларнинг халқ учун заррача қўймати бўлмайди.

Фарғона вилояти кенгаши томонидан ҳисобот даврида медиа йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди. Вилоят бўйича ўтказилган 2500 дан зиёд учрашув ва семинарлар ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда 7600 мартаба ёрилди. Бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 140 фоизга ўсганини англайди. Республика ва маҳаллий телевидение ҳамда радиоларда 100 дан ортиқ чиқишлар қилдик, босма нашрларда, расмий сайтимизда юзлаб материаллар эълон қилдик. Telegram, Facebook ва Instagram тармоқларида фаолиятимизни минглаб постлар билан кўрсатдик. Бироқ Пленум белгилаб берган янги талаблар нуқтага назаридан қараганда, ушбу рақамлар чўғи кам.

Савол туғилади: нега ОАВдаги чиқишларимизда таҳлил, таъсирчанлик ва ижро органлари фаолиятига нисбатан танқидий қарашлар етишмайпти? Президентимиз томонидан ўтказилаётган видеоселектор йиғилишлари ва қабул қилинаётган тарихий ҳужжатларга вилоят фаоллари ва депутатлари бор-йўғи 50 мартаба муносабат билдиришгани ҳам ижтимоий-сиёсий жараёнларга тезкор реакция бера олмаётганимизни кўрсатади. Биз Пленумдан кейин медиа сиёсатимизни тубдан ислоҳ қилишга қарор қилдик. Эндиликда ОАВ ва ижтимоий платформалардаги фаолиятимизни баҳолаш учун ҳар бир йўналиш бўйича аниқ КРП (самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари) тизимини жорий этамиз.

Бундан буён ҳодим ёки депутатнинг иши уч қаранган постларнинг сони билан эмас, балки ўша материалнинг ижтимоий тармоқлардаги қамрови, фуқаролар томонидан қолбдорлик фикрлар ва энг муҳими — кўтарилган муаммонинг амалий ечими билан баҳоланади. Шу мақсадда, вилоятда партиянинг махсус "медиа гуруҳлари"ни шакллантирамиз. Ушбу гуруҳларга соҳа мутахассислари, жонкуяр блогерлар ва фаол ёшларни жалб қилган ҳолда замонавий медиа форматларга, жонли эфирлар ва интерактив кўрсатувлар тизимига ўтамиз. Бизга халқ билан тўғридан-тўғри, очиқ мулоқот майдони керак.

Мухтасар айтганда, биз учун Пленум янги медиа стратегияни бошлаб берди. ОАВдаги чиқишларимизни қуруқ ҳисоботбозликдан халқнинг ҳақиқий овозига айлантириб, очкилик, шаффофлик ва рақамли технологиялар орқали партиямиз нуфузини янги босқичга олиб чиқамиз.

**Мақсуд ҲАМИДОВ,
Сиёсий Кенгаши аъзоси,
Бухоро вилоят кенгаши раиси:**



— Йиғилишда бугунги кун сиёсий кучлари олдига қўйилаётган талаблар, тизимимиздаги айрим сусткашликлар ва ҳамон "уйқуда ётган" бўғинлар фаолияти очик-ошқора таҳлил қилинди. Очиғини айтиш керак, Пленум биз учун фаолиятимиздаги камчиликларни тўғрилаш устида ишлайдиган вақт келганини англапти. Биз узоқ вақт давомида фақатгина аъзолар сонини кўпайтириш, яъни рақамлар кетидан қуввиш билан овозра бўлиб, қўйи бўғинлар, сайловчилар билан муносабатларни сусайтириб

қўйганимизни яшириб ўтирмастимиз керак. Шу мақсадда, Бухоро вилояти кенгаши тизимимизда 13 та туман ва шаҳар кенгашига ишчи жонлантқириш учун вилоят аппарати ходимларини кураатор сифатида бириктирдик.

Бироқ бу курааторлик шунчаки текширувчи ёки қозғоғ тўлдирувчи дегани эмас. Улар жойлардаги муаммоларни ичидан ўрганиб, тизимли бартараф этишга кўмаклашадиган амалий кучга айланади. Жорий йилнинг февраль ойида вилоятдаги мавжуд 668 та бошланғич партия ташкилот (БПТ)ни тўлиқ хатловдан ўтказганимиз ҳам ишимизнинг асл ҳолатини кўрсатиб берди. Намунавий сифатида ташкил этилган 65 та БПТ тажрибасини қолган барча қўйи бўғинларга ҳам сингдиришимиз шарт.

Ўтган йил якунларига қўра, вилоятда аъзоларимиз сони 75 миң нафардан ошди. Қувонарлиси, уларнинг 39 фоизини ёшлар, 57 фоизини эса хотин-қизлар ташкил этмоқда. Сафимиз кенгаеяпти, кучимиз ортаеяпти, аммо бу кўрсаткичлар шунчаки жадаллардаги қуруқ статистика бўлиб қолмаслиги керак. "Ёш адолатчилар" ҳаракати ва "Замондош аёллар" клубини томонидан йил давомида жами 460 дан зиёд турли мавзудардаги тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Лектин биз ўзимизга ҳаққоний савол беришимиз керак: ушбу учрашувлардан кейин қанча ёшнинг дунёқарашини ўзгарди, қанча хотин-қиз тазйиқдан ёки ишсизликдан қутулди? Бизга фақатгина ҳисобот учун ўтказиладиган "тадбирбозлик" керак эмас.

Қанотларимиз фаолиятини энг чекка қилмоқча ва маҳаллалардаги эҳтиёжманд қатламнинг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтиришимиз, уларни партиямизнинг реал ва таъсирчан кучига айлантиришимиз лозим. Яна бир муҳим масала — бу депутатлик назорати ва халқ билан мулоқот. Ҳисобот даврида депутатлик гуруҳларимиз томонидан жойлардаги муаммолар юзасидан 154 та депутатлик сўрови юборилган, "Адолат қабулхоналари"га келиб тушган муружаатларнинг 117 таси ижобий ҳал этилган. Бу яхши кўрсаткич, албатта.

Лектин бу сўровлар ва муружаатлар орқасида тураган тизимли муаммолар маҳаллий Кенгаш сессияларида қатъий қўйилмас, ижро органлари раҳбарларининг фаолияти масъул комиссияларда қўриб чиқилмас экан, ишимизнинг самарадорлиги пастлигига қолаверди. Эндиликда жойларда, одамлар ичиде фаоллик кўрсатган, партия гоярларига содиқ қўйи бўғин етакчиларини муносиб рағбатлантирамиз. Уларни шунчаки мақтаб қўймай, бўлажак сайловларда маҳаллий Кенгашлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар аъхирасига киритамиз. Қисқаси, Пленумда белгилаб олган янги мақсад ва режаларимиз янги суръатда ишларимиз учун муҳим замин яратади, деб ишонаман.

Фракция йиғилиши



НИЗОСИЗ ИШЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ОСОНЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимизнинг Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкilotининг норасмий саммитида илгари сурган муҳим ташаббуслари ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар мазкур ташаббуслар нафақат бугунги давр талабига жавоб беришини, балки бутун туркий дунё учун узоқ муддатли стратегик йўл харитасини белгилаб бериши билан алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

Президентимиз томонидан илгари сурилган сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш ташаббуси Туркий давлатлар ташкilotи доирасида янги технологик даврга йўл очиши таъкидланди.



— Давлатимиз раҳбарининг Тошкентдаги Ислам цивилизацияси маркази негизида ТУРКСОЙ ва Туркий академия билан ҳамкорликда тарихий-маданий манбаларни ягона "катта маълумотлар" платформасига жамлаш ташаббуси ҳам катта илмий-маърифий аҳамиятга эга, — деди фракция аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова. — Бу нафақат тарихни сақлаш, балки уни замонавий рақамли воситалар орқали келажак авлодларга етказиш, туркий халқларнинг муштарақ хотираси ва маънавий бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фракция аъзолари томонидан қўриб чиқилган навбатдаги масала — низоосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекслардаги суд бўйруғи тартибиде қўриладиган айрим низоосиз талабларга оид ишларнинг дои-

раси қайта қўриб чиқилмоқда. Ҳужжат энг аввало, низоосиз ишларни қўришни осонлаштиришга қаратилган.

Жумладан, энди ижара тўловлари, кўп квартиралли уйларидаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қардорлиқни ундириш билан боғлиқ талабларнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг миңг бараваридан кўп бўлган тақдирда суд томонидан бўйруқ тартибиде қўриб

чиқилади. Мазкур миқдордан кам бўлган низоосиз талабларга доир ишлар эса нотариуслар томонидан қўриб чиқилади. Шунингдек, қонун лойиҳаси билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунда ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган сумманинг миқдори нотариус томонидан бундай нотариал ҳаракатни амалга оширганлик учун сарфланадиган ҳақиқий харажатлар миқдорига мувофиқлаштирилмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзоси Шухрат Ёқубов ва бошқалар қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган қатор таклифлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида акс этганлигини таъкидлади.

Депутатлар ушбу ҳужжат суд тизими самарадорлигини ошириш, низоосиз талабларни ҳал этиш тартиб-таомилларини соддалаштиришга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

МУАММО ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Замира Абдуллаева адолат тикланганидан мамнун

Тўрақўрғон туманида яшовчи фуқаро Абдуллаева Замира Усмановна билан боғлиқ ҳолат жамоатчилик эътиборига чиққач, муаммо қонуний тартибда ўрганилиб, адолат қарор топди. Биргина хато туфайли "вафот этган шахслар" рўйхатига кириб қолиб, қарийб бир йил сарсон бўлган фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари бугун тўлиқ тикланди.

Муружаат ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинган, Наманган вилояти Адлия бошқармаси томонидан ҳолат атрофлича ўрганилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов томонидан ҳам мазкур масала депутатлик назоратига олинди. Натижада муаммо тез орада ижобий ҳал этилиб, фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари қайта тикланди.

"Дукат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Арабжон Тошболтаевнинг таъкидлашича, маҳалла ахли ҳам муаммо ечим топганидан мамнун. Унинг айтишича, Замира Абдуллаеванинг оиласига амалий кўмак бериш ишлари

давом этмоқда. Хусусан, фуқаронинг иккинчи гуруҳ ногирони бўлган қизи Дилнозани иш билан таъминлаш масаласи ҳам туман ҳокимлиги мутасаддилари томонидан алоҳида назоратга олинган.

Энг муҳими, бу воқеа асл ҳақиқатни яна бир бор исботлади: бугунги кунда фуқаролар муружаати эътиборсиз қолмаепти. Қонуний асосда қилинган ҳар бир муружаат ортидан ўрганиш, таҳлил ва ечим келмоқда. Дарҳақиқат, инсон қадр ва унинг ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда адолат албатта, қарор топади.

**Наманган вилоят кенгаши
матбуот хизмати**

Муносабат



Туркистон Ренессанси:

геоисёсий интеграция ва рақамли келажак сари

ТҮРКИ МЕМЛЕКЕТТЕРИ ҲАММАСИ
БЕЙРЕСМИ САММИТИ
15 май 2026, Туркистон



INFORMAL SUMMIT OF THE ORGANIZATION
OF TURKIC STATES
15 May 2026, Turkistan

Бугунги глобал трансформациялар даврида Марказий Осиё геоисёсий барқарорлик марказига айланиш билан бирга, янги маданий-иқтисодий уйғониш – Ренессанс жараёнидан ўтиб бормоқда. Бу борада ҳафтанинг дунё аҳамиятига молик янгиликлардан бири сифатида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан, икки қардош халқ ўртасидаги азалий ришталарни янги истиқболлар билан боғлаш мақсадида амалий ташриф билан қадирий Туркистон заминига ташриф буюрди.

Хусусан, 2026 йил 15 май кунини Туркия дунёнинг маънавий манзили бўлиши Туркистон шаҳрида Туркия давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида кечган воқеалар минтақавий бирликнинг янги тарихий парадигмасини белгилаб берди. Саммитнинг бош мавзуси “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” деб белгиланиши давлатларимизнинг келажак технологиялари борасидаги концептуал ёндашувини ифода қилади. Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар минтақанинг рақамли инфратузилмасини модернизация қилиш ва сунъий интеллект имкониятларидан индустриал мақсадларда фойдаланишни кўзда тутди. Бу биргина технология жараёни англатмайди, жаҳон ҳамжамияти гувоҳи бўлаётганидек, бунда минтақавий иқтисодий хавфсизликни таъминловчи стратегик қадамлар ташланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-коммуникация алоқаларига яқиндан назар соламыз, муносабатлар сўнгги 10 йилликда янги сифат босқичига кўтарилган. Жумладан, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли лойиҳасининг жадаллашиши эса минтақавий логистика харитасини қайта чизиб, Евроосиё қитъасида янги иқтисодий коридорни шакллантиради.

Туркистон замини – бизнинг умий тарихий хотирамиз ва миллий ўзлигимиз пойдеворидир. Амалий ташриф доирасида икки мамлакат етакчилари томонидан Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг зиёрат қи-

линиши эса Соҳибқирон Амир Темур бобомиздан мерос қолган маънавий занжирнинг мустаҳкамлигини дунёга яққол намоев этди. Туркистон аҳлига юртимиздан тухфа сифатида барпо этилган муҳташам жоме масжиди икки қардош халқнинг қалбдошлиги рами бўлди десак, янгиликларимиз. Исломи ва Шарқ меъморчилигининг энг нафис анъаналарини ўзида мужассам этган ушбу мажмуа – иттифоқчилик муносабатларининг чинакам мезморий ифодаси бўлиб, келажак авлодларга даврнинг жонли гувоҳи сифатида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида сўзлаб беради.

Қайд этиш зарурки, Президентимизнинг Қозоғистон, Туркия ва Қирғизистон етакчилари билан ўтказган самарали мулоқотлари Марказий Осиёда янги дипломатик мактаб – манфаатли ва инсонпарвар дипломатия шаклланишини тасдиқлади. Демакки, мулоқотлар моҳияти келгусида шуни кўрсатмоқдаки, охириги уч йилликда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 10 миллиард долларлик маррани забт этиб, минтақавий бозорнинг барқарорлигини таъминлайди.

Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик натижасида Туркия давлатларнинг ягона таълим ва инновацион макони яратилади.

Марказий Осиё давлатларининг бундай жиқлиги ташқи хавф-хатарларга қарши мустаҳкам қалқон ва глобал муаммолар ечимида мустақил овоз сифатида намоев бўлади.

Шу ўринда айтиш керакки, миллатимиз етакчисининг Туркистон



Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

саммитидаги нутқи ўз моҳияти билан Туркия дунёнинг XXI асрдаги тарқиёт харитаси бўлди десак, муносабатларимиз. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳар бир ташаббус замирида чуқур илмий асос ва узоқни кўзлаган геоисёсий мақсад мужассам.

Биринчидан, Юртбошимиз сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш мавзусини улғу аждодларимиз – ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Беруний ва Мирзо Улуғбекларнинг илмий мероси билан узвий боғланганлиги бизни тўлқинлантириб юборди. Бу – бизнинг рақамли келажамиз беғона эмас, балки ўз тарихий илдила-римизнинг мантиқий давоми эканига берилган энг олий таърифидир.

Иккинчидан, “Рақамли туркий коридор” – янги иқтисодий воқелик. Президентимиз таклиф этган ушбу концепция минтақамизнинг маълумотлар алмашинуви борасидаги суверенитетини мустаҳкамлайди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, 2025 йилда туркий давлатларнинг иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошгани ва ўсиш суръати глобал курсаткидан икки баробар юқори экани – интеграциянинг нақадар ҳаётий эканини исботловчи рақамлардир.

Учинчидан, ёшларимизни энг қувонтирган жиҳат – ёшлар таълимига берилган эътибор бўлди. Қозоғистон билан тузилаётган Қўшма венчур жамғармаси ва ёшларнинг стартапларини қўллаб-қувватлаш ташаббуси – бу келажаққа тикилган энг манфаатли сармоя бўлади.

Тўртинчидан, 2027 йилни “Табиатни асраш йили” деб эълон қилиш ва Киберхавфсизлик буйича Туркия альянс тузиш таклифи – минтақани нафақат иқтисодий, балки яшаш учун хавфсиз ва барқарор маконга айлантириш йўлидаги муҳим ташаббус бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркистон заминидан айтган: “Туркий элга меҳр қилдим, бирлик йўлин ҳақ деб билдим” деган сўзлари эса амалий ташрифнинг бош ғоясини очиб берди. Эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбарининг Туркистонга ташрифи жорий сиёсий воқелик бўлиш билан бирга тили, дини ва тарихи бир бўлган қардош халқларнинг бундан буён ҳам бир ёқадан бош чиқариб, янги тамаддун сари одим-лаб боришига тарихий ишора бўлди. Зеро, қозоқ бовурлар билан тарихан мустаҳкам, самимий дўстлигимиз кучимизга куч, муваффақиятларимизга бардавонлик беради.

“OILALAR MUSTAHKAMLIGINI KAFOLATLAYLIK!”



22-apreldan
22-maygacha



КИТОБХОН ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

“Адолат” СДП томонидан ўтказилаётган “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!” акцияси Андижонда янада кенг қулоқ ёзмақда. Акция доирасидаги тадбирлар жамоатчиликнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш орқали оилалар мустаҳкамлигига эришишга хизмат қилаётгани эътиборли.

“Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши ва Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!” акцияси доирасида ўтказилган ана шундай тадбир “Китобхон оилада маънавий юксалади” деб номланди. Унда партия фаоллари билан бирга маънавий тарғиботчилари, ФХДЭ идораларининг вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов оила қутлуғ даргоҳ экани, ҳар бир оила қурувчи унга тайёргарлик билан кириши лозимлиги ва гендер тенглик тўғрисида фикр билдирди. Ўз ўрнида кейинги вақтда ажримларнинг келиб чиқишига ёшларнинг оила қуришга тайёр эмасликлари, айрим ота-оналарнинг фарзандлар келажаги ва тақдирига эътиборсизлик билан қараётгани сабаб бўлаётганини таъкидлади.

– Мустаҳкам оила яратилиши учун биринчи навбатда ёшлар оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлиши керак, – деди М.Мадазимов. – Бунинг учун ҳам тиббий, ҳам ҳуқуқий маданият зарур. Бундай маданиятга эса китоб ўқиш орқали эришамиз. Оила борасида фарзандларимиз яқинларидан сўрашга тортинадиган ҳолатлар бўлади. Ана шундай вақтда энг яқин кўмакчи ва устоз, китоб бўлади. Бугун ташкил этилган “Оила оstonасида” дея номланган китоблар кўрғазмаси олдида шу вазифа қўйилди. Ишит-қизлари ўзлари учун зарур бўлган қўлланмаларга эга бўлдилар.

Маънавий тарғиботчилари ва ҳуқуқшуносларнинг маърузаларида миллий қадриятларимиз, оила одоби, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва зўравонликларни олдини олиш каби долзарб вазифалар кўрсатиб ўтилди. Бу борада биринчи навбатда ёшлар фаол бўлиши, ўз келажагига эътибор билан қарашлари зарурлиги таъкидланди.

Улуғнор туманидаги Улуғбек номли МФЙда ўтказилган тадбирда ҳам асосан ёшлар иштирок этди. Унда “Адолат” СДП фаоллари томонидан оиланинг ҳуқуқий асослари, ажримларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ота-онага ҳурмат тўғрисида иштирокчиларга тушунча берилди.



– Энг намунали оилалар вакилларининг тадбирларда иштироки ижобий самара бермоқда, – деди “Адолат” СДП Улуғнор туман кенгаши раиси Мукаррамхон Қодиров. – Ёшлар улардан ўрнак олишга, оилаларни қийнаётган саволларига жавоб топишга эришмоқда. Яна бир ташаббусни йўлга қўйдик. МФЙларда “Ибратли ёш оила” танловини ўтказяптим. Бу ҳам уларнинг тенгдошларига ибрат мактаби бўлмоқда.

Оиламизнинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги ўз қўлимизда! Бу андижонликларнинг доимий шиори.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

ОНЛАЙН НОТАРИАЛ ҲАРАКАТ –

e-notarius.uz

Қулайлик

фуқароларнинг
узоғинияқин қилади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини онлайн тарзда кўрсатиш ва улардан фойдаланиш борасида кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, нотариал ҳаракатларни нотариал идорага келмасдан туриб, масофадан видео-конференцалоқа орқали расмийлаштиришга руҳсат берилган.

Кенжабой ХОЛМОНОВ,
Бандихон туманида хусусий амалиёт билан
шуғулланувчи нотариус

Бугунги рақамлаштириш асрида онлайн нотариал хизматларга бўлган талаб юқори бўлганлиги сабаб жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ўйлаган ҳолда нотариал идорага келмасдан, масофадан туриб мурожаат қилиши, навбатга ёзилиши ва айрим

чекланган турдаги (қўчмас мулк, мерос каби мураккаб масалали ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида кўпинча шахсан нотариус иштироки талаб қилинади) нотариал хизматлардан онлайн фойдаланишнинг аниқ тартиб-таомиллари белгилаб қўйилди.

Бунда жараён “Е-notarius.uz” портали ёки “Notarius” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади. Албатта онлайн нотариал хизматлардан фойдаланишнинг асосий қоидалари ва босқичлари мавжуд. Аввало, фуқаро тизим орқали ариза беради. Сўнгра тарафлар ўз мурожаатларини электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёки шахсни идентификация қилишнинг бошқа воситалари (ONE ID) билан тасдиқлайди. Ариза “Е-notarius.uz” портали орқали юборилади. Шахсга доир маълумотлар эса тизим томонидан автоматик равишда тўлдирилади.

Шундан кейин нотариус ва мурожаат қилувчи (ариза берувчи) ўртасида видеоконференцалоқа ўтказилади. Нотариус иштирокчиларнинг шахсини, уларнинг ҳақиқий истагини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлайди. Сўнг ҳужжат мазмунини ҳамда оқибатларини тушунтиради. Хизмат учун тўлов квитанциялари тизимда автоматик тарзда шакллантирилади. Барча талаб этилган тўловлар тўланганидан сўнг нотариал ҳаракат

расмийлаштирилади. Тасдиқланган нотариал ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан имзоланади ва ариза берувчининг шахсий кабинетига юборилади.

Шунинг унутмаслик керакки, кўчмас мулк билан боғлиқ мураккаб битимлар ёки қонунчиликда шахсан иштирок этиш қатъий талаб қилинган ҳолатларда масофадан жойлашган шахслар ёки чет эл сафаридан бўлган фуқаролар, давлат хизмати билан банд бўлган давлат ходимлари, ногиронлиги бўлган шахслар, яъни уйдан чиқишга, ҳаракатланишга лаёқатсиз бўлган шахслар учун жуда қулай, тез ва осон тарзда амалга оширилади.

АДОЛАТНИНГ МУКОФОТИ

Заҳриддин Бобур диёнати ва зиёли шахс, адолатли ҳукмдор Умаршайх Мирзо оиласида ўсиб улғайди. Отасининг "ханафий маъҳаблик, покиса эътиқодлик, беш вақт намозини тарк қилмайдиган", шунинг баробарида, ҳамсатиларни (Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий "Ҳамса"лари – Н.Ж.), маснавий ва тарих китобларини ва "Шоҳнома"ни мунтазам ўқийдиган киши бўлгани "Бобурнома"да алоҳида таъкидланган.

Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор

Бобурнинг ёзишча, Умаршайх Мирзонинг: "Адолати бу мартабада эдики, Хитой қарвони келадургонда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлик қарвонни андоғ қор босдиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассислар йибориб, қарвоннинг жами жиҳотини забт қилди. Ҳарчандеким, вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сақлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топширди". Мана, ажодларимизда омонатга муносабат қандай бўлган ва аслида ҳам қандай бўлмоғи керак! Ҳолбуки, минг уйлик савдо қарвонининг бойлиги қай миқдорда бўлиши, бу мол-дунё эгалари энди йўқ экани эътиборга олинса, уларни бир-икки йил асраб, ворисларини излаб топиб, уни ҳеч бир нуқсонсиз ("солим") топшириш, омонатга бу даражада эҳтиёткорлик қиломоқ учун одамда инсоф-у диёнат нечоғлик баланд бўлмоғи керак! Ахир тор манфаат йўлида, арзимаган мол-дунё учун виждонини сотадиганлар камми?! Дунёнинг қийматсиз матоҳини деб, наинки бир қарвон, ҳатто бутун бошли эл-юрт ҳақини туя қилишдан тоймайдиганлар озми?! Ҳар ҳолда, бир ҳақиқат аниқ: ундайлардан Бобурдай фарзанд дунёга келмайди. Заҳриддин Муҳаммаднинг Умаршайх Мирзодай омонатдор, адолатли инсон оиласида дунёга келишида ҳам Яратганнинг улуг ҳикмати, буюк адолати бор, назаримизда.

Шунинг учун ҳам Бобур ҳукмдор сифатида адолатли сиёсат юритди. Ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтаришни ҳаётий аъмоли деб билди (Бобурнинг ҳаётига қасд қилган малика Байдага муносабатини эсланг!). Унинг:



Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,

Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма, – деган мисраларини эслайлик.

Яъни: "Эй инсон, мансаб-мартабанинг қай мақомига эришсанг ёки аъдасиз мол-дунё соҳиби бўлсанг ҳам, меҳнат-у машаққат билан кун кечираётганларни ёдингдан чиқарма. Унутмагин, бу мартаба ҳам, моду даваат ҳам беш кунлик, яъни вақтинчалиқдир".

Агар бу сўзларни улкан бир давлат ҳукмдори айтаётгани, Бобур ушбу ҳикматга ҳаётида ҳам бир умр амал қилгани эътиборга олинса, бу улуг сиймода шахс, шоир ва шоҳ сифатидаги фазилатлар нечоғлик уйғун бўлгани сабаблари янада ойдинлашади. Унга асрлар оша кўрсатиб келинаётган эҳтиромнинг бош омили ҳам шунда бўлса ажаб эмас.

КЕЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Спорт

Жорий йилнинг 14–17 май кунлари Навоий шаҳрида белбоғли кураш бўйича 2006–2007 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур мусобақа ёшларни спортга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлаш йўлида муҳим аҳамият касб этди.

"Адолат" СДП ўз Сайловли дастурида ёшларни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият қаратади. Шу асосда партия ҳамда Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми доирасида қатор йирик спорт лойиҳалари амалга ошириб келинмоқда. Вилоят кураш мактабида бўлиб ўтган чемпионатда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ёш полвонлар классик ва эркин йўналишларда ўзaro куч синашдилар. Тадбирда иштирок этган "Адолат" СДП Навоий виллоят кенгаши раиси Мансуржон Хамидов ёш спортчиларга амал тилаб, улар келгусида жаҳон ареналарида Ўзбекистон

шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишонч билдирди. Чемпионат якунларига кўра, биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган спортчилар Жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Қувончлиси, Навоий виллоят полвонлари мусобақасида юқори натижалар қайд этишди.

Тадбир якунида мусобақа ташкилотчиларига "Адолат" СДП Навоий виллоят кенгашининг эсдалик ва қимматбаҳо совғаларни топширилди. Шунингдек, партиянинг худудий Кенгаши раиси Мансуржон Хамидов федерация томонидан ташаккурнома билан тақдирланди.

"Адолат" СДП Навоий виллоят кенгаши матбуот хизмати



НАМАНГАН ЯНА ГҶУЛЛАРГА БУРЖАНМОҚДА

Гўзаллик, маданият ва меҳмондўстлик байрами

Май ойининг сўнги кунлари яқинлашар экан, Наманган яна бир бор нафосат, гўзаллик ва бетакрор тароват масканига айланмоқда. Бу йилги 65-халқаро гуллар фестивали юқори савияда, кенг кўлам ва улкан орзулар билан ўтказилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг 24 майдан 12 июлига қадар давом этадиган ушбу нуфузли байрам нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё эътиборини Наманганга қаратмоқда. Бу галги фестиваль оддий байрам эмас – у Наманганнинг гўзаллик, маданият ва меҳмондўстлик рамзига айланган улкан халқаро анжумандир. Шаҳар бўйлаб 120 турдаги 150 миллион тул гул кўчатининг экилаётгани эса фестивалга янада кўрк бағишламоқда. Замонавий ландшафт-дизайн асосида яратилаётган ранг-баранг композициялар Наманганни ҳақиқий "тирик гуллар шаҳри"га айлантirmoқда.

Кўчалар, марказий хиёбонлар, истироҳат боғлари ва майдонларда барпо этилаётган гул иншоотлари нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ҳайратга солмоқда. Бу улкан гўзаллик Гиннесснинг рекордлар китобига кириш учун муносиб номзод сифатида баҳоланмоқда. Эътиборлиси, фестиваль бошланшига ҳали вақт бўлишига қарамай, дунёнинг турли мамлакатларидан меҳмонлар Наманганга ташриф буюришни бошлаб юборишди. Улар шаҳардаги байрамона муҳит, халқимизнинг самимий меҳмондўстлиги ва гуллар билан безатилган манзаралардан катта завқ олмоқда. Бу йилги халқаро гуллар фестивали 50 кун давом этади ва ҳар бир кун алоҳида байрам руҳида ўтади. Дастурдан жаҳон ва миллий эстрада юлдузлари иштирокида гала-концертлар, очик осмон остида симфоник кечалар, "Fashion Week" модлар ҳафталиги, дронлар шоуиси, лаванда сайли, гастронимик туризм кунлари ҳамда турли маданий-маърифий лойиҳалар ўрин олган. Шунингдек, фестиваль доирасида 150 дан зиёд тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган. Гулларга буржанган автопарадлар, кўргазмалар, халқаро бизнес форумлари, туризм ва инвестицияга бағишланган анжуманлар Наманганнинг иқтисодий ва маданий салоҳиятини янада кенг намоён этади. 65 йиллик тарихга эга ушбу фестиваль бугун нафақат гуллар байрами, балки халқлар дўстлиги, маданиятлар уйғунлиги ва эзгулик тимсолига айланиб улгурган. Бу йилги юбилей фестивалда дунёнинг 50 дан ортик мамлакатидан қарийб 1 миллион нафар хорижий сайёҳ ва 7 миллиондан зиёд маҳаллий меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда. Бугун Наманган нафақат гулларга, балки инсон қалбларига ҳам нур сочмоқда. Гуллар шаҳри яна бир бор ўзининг бетакрор нафосати, меҳр-оқибати ва маданий салоҳияти билан бутун дунё нигоҳини ўзига қаратмоқда. Азиз юртдошлар ва қадрли меҳмонлар! Сизни гўзаллик ва нафосатга буржанган улкан байрам – 65-халқаро гуллар фестивалида кутиб қоламиз. Наманганга келинга ва гуллар сехрини ўз кўзингиз билан томоша қилинг!

"Адолат" СДП Наманган виллоят кенгаши матбуот хизмати

Тафаккур

Севимли бўлишни ўрганг...

- ✓ Бошқаларни тинглашни ўрганг, суҳбатдошингизнинг гапириши эркинлигини чекламанг;
- ✓ Камтар бўлинг. Чунки камтарлик сеvimли бўлишингизни энг таъсирли йўлидир;
- ✓ Ҳадеб мактов эшитиши истаингизни бир четга суриб, руҳлантиришни, бировларни мақташни ҳам ўрганг, худбин бўлманг;

- ✓ Доим хушчақчақ ҳолда юриш кийин. Бу тушунарли. Лекин қўлингиздан келганича гам-ташвишларингизни яшира билинг;
- ✓ Танқидни тўғри қабул қилишни ўрганг;
- ✓ Очик юз, ширин сўз кўнгуллар калитидир;
- ✓ Ҳамиша аввал салом беринг, сўнг ҳол-аҳвол сўранг;
- ✓ Қариндош-уруғлар билан борди-келди қилинг, қўни-қўнини, таниши-билишлар билан яхши муносабатда бўлинг.

"Ҳадис ва ҳаёт" китобидан